

ЭНЕРГЕТИКА СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИКНИ СИФАТ ЖИҲАТИДАН ЯНГИ ДАРАЖАГА ОЛИБ ЧИҚАДИГАН ТАРИХИЙ ВОҚЕА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 5-7 октябрь кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди.



Президент Шавкат Мирзиёев 7 октябрь кунни Москва шаҳридаги Ислон Каримов хиёбонига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимизнинг Биринчи Президенти ҳайкали пойига гул қўйиб, унинг ёрқин хотирасига ҳурмат бажо келтирди.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин билан биргаликда Россиядан Қозоғистон ҳудуди орқали Ўзбекистонга табиий газ етказиб берилишига старт берди.

Телекўприк тарзида ўтган маросимда давлатимиз раҳбари энергетика соҳасидаги уч томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги даражага

олиб чиқадиган ушбу воқеанинг тарихий аҳамиятини қайд этди.

Ўзбекистон Президенти Қозоғистон ва Россия етакчиларига ушбу лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши шахсан қўллаб-қувватлаганлари учун миннатдорлик билдирди. Газ етказиб беришни жуда қисқа муддатда ташкил этиш, магистрал газ қувури қисмларини реконструкциялаш, компрессор станцияларини модернизация қилиш ва янги “Бейнов” газ-ўлчов станциясини қуриш ишларида иштирок этган мутахассисларга алоҳида раҳмат айтди.

Россия газини “реверс” тарзда импорт қилиш бошланаётгани Ўзбекистон учун стратегик аҳамиятга эга экани таъкидланди. Ушбу лойиҳа мамлакатимиз энергетик хавфсизлигини таъминлаш,

“мовий ёқилғи”ни кафолатли етказиб бериш манбаларини диверсификация қилиш йўлида олдинга ташланган катта қадам, истеъмолдаги мавсумий номуносибликни қоплаш, аҳолини газ ва электр энергияси билан ишончли ва узлуксиз таъминлаш учун энергия ресурсларининг қўшимча ҳажмлари демак.

Ушбу йирик лойиҳанинг рўёбга чиқарилиши ва унинг натижалари уч мамлакат ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилишига ишонч билдирилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига расмий ташрифи яқунланди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИ

мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти учун жозибадор ҳамкорга айланиб бораётганини яна бир бор намоён этди

Шавкат Мирзиёевнинг 5-7 октябрь кунлари Россияга расмий ташрифи хорижий мамлакатларнинг ижтимоий-сиёсий ва эксперт-таҳлил доиралари вакилларида катта қизиқиш уйғотди.



Солиҳ ЙИЛМАЗ, “RUSEN” Россия ва МДХ мамлакатларини ўрганиш институти директори (Туркия):

— Ўзбекистон ва Россияни стратегик шериклик ҳамда иттифоқчилик муносабатлари боғлаб туради. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга бу галги ташрифи воқеаларга бой ва мазмунли бўлди. Ташриф доирасида Россия Президенти Владимир Путин, Ҳукумат раиси Михаил Мишустин ва Татаристон Раи-

си Рустам Минниханов билан учрашувлар ўтказди. Учрашувларда икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш борасида кенг қўламли долзарб масалалар муҳокама қилинди.

Учинчи минтақаларо ҳамкорлик форумини Қозон шаҳрида ўтказишни муҳим деб биламан. Форум яқунлари бўйича умумий қиймати 3,5 миллиард долларлик шартномалар имзолангани Россия бизнесининг Ўзбекистонга катта қизиқиши борлигидан далолат беради.

Давоми 2-бетда


ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ВА КОНСТИТУЦИЯ

ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЯНГИЛАНИШЛАР

фуқароларнинг табиий ҳуқуқлари таъминланаётганида ҳам акс этмоқда

Бу йил Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганининг 75 йиллиги дунё миқёсида кенг нишонланмоқда. Президентимизнинг жорий йил 12 майдаги фармони билан мамлакатимизда ҳам бу санага доир турли тадбирлар ташкил этиб келиняпти.

Давоми 3-бетда



ЮКСАК МАЪНАВИЙ МАКОН ЯРАТИШДА МУСТАҲКАМ АСОСЛАРГА ТАЯНИШИМИЗ ЗАРУР

Жорий йил 11 сентябрь кунни Президентимиз “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида”ги фармонни имзолади. Унда мамлакат тараққиёти ва жамият ривожини йўлида белгилаб олинган энг устувор вазифалар қаторида маънавий тараққиётни таъминлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Бугун бутун жамият олдида турган ўткир масала янги маънавий маконни яратиш, миллий бирлик ва ҳамжиҳатлик асосида халқимизнинг бунёдкорлик салоҳиятини янада юксалтириш, ёшларни ҳар томонлама етуқ қилиб тарбиялаш ҳамда уларнинг тўлақонли замонавий билимларни

эгаллашига зарур шароит яратиб беришдир. Бугун биз дунёнинг геосиёсий манзарасидаги чуқур ўзгаришлар фониди турли мафкуралар, қарашлар ўз таъсирини ёйишга, ўтказишга бўлган интилишлари кескин тус олаётган бир даврда яшамоқдамиз.

Давоми 3-бетда



ФАРМОН ВА ИЖРО

ҚИШЛОҚ ЭМАС, ШАҲАР ДЕЙСИЗ



— Маҳаллада барча шароитга эга кўп қаватли уйлар қурилар экан, деган гаплар тарқалганда баъзи бировлар “Қишлоқ туғул, айрим катта шаҳарларда ҳам бундай уйлар йўқ-ку, буям уйни сотиш учун тўқилган бир ёлгон-да”, дея истехзоли кулиб, уй олишни истамагани, — дейди Жарқўрғон тумани Қораянтоқ маҳалласидаги янги уйларнинг бирида яшовчи Рустам Омонов. — Бугун ўша одамлар афсусланиб юрибди. Чунки олган уйимизда барча шароитлар бор. Бу ерларни қишлоқ эмас, шаҳар дейсиз. Шаҳардан қоладиган жойи йўқ.

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш, ҳудудларда шаҳарсозлик талаблари асосида кўп қаватли уй-жойлар, ижтимоий соҳа ва инфратузилма объектлари ҳамда муҳандислик-коммуникация тармоқлари қурилиши бўйича Сурхондарё вилоятида катта ишлар амалга ошириляпти. Президентимизнинг 2021 йил 9 декабрдаги “Янги Ўзбекистон” массивларини қуриш ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонидан сўнг бу борадаги ишлар янада жонланди.

Давоми 2-бетда

ФАРМОН ВА ИЖРО

Бошланиш 1-бетда

Фармон ижросини таъминлаш бўйича 2022-2026 йиллар мобайнида вилоятнинг Ангор туманидаги Шарқ гули, Жарқурғон туманидаги Қораянтоқ, Сарийосиё туманидаги Лутфикор, Бойсун туманидаги Мустанқиллик маҳаллалари худудида "Янги Ўзбекистон" массивлари доирасида кўплаб уй-жой ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари барпо этиш кўзда тутилган...



БИЗ ВА ДУНЁ

ЎЗБЕКISTON ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИ

мамлакатимиз жаҳон ҳамжамияти учун жозибадор ҳамкорга айланиб бораётганини яна бир бор намоён этди

Бошланиш 1-бетда

Бу Президент Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида мамлакатнинг иқтисодийнинг либераллаштириш ва қўлай бизнес муҳитини яратиш борасида амалга оширилган кенг қўламли ислохотларнинг ёрқин натижасидир.

Томонлар Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш, таълим соҳаларини рақамлаштириш, шунингдек, Россиянинг илғор тажрибасидан фойдаланган ҳолда республикада электрон тижоратни жорий этиш соҳасидаги лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш масалаларини муҳокама қилгани, шубҳасиз, ушбу таширнинг асосий амалий ютуқларидан бири бўлди.

Ишончим комилки, давлат раҳбарларининг саноят кооперацияси бўйича илбуйи ўзаро таширлар режа-жадвалини ўз ичига олган "йўл харитаси"ни тайёрлаш юзасидан келишувга эришгани Ўзбекистон ва Россия ишбилармон доиралари ўртасидаги худудлараро ҳамкорлик ва бевосита алоқаларни амалий ривожлантиришда катта рағбат бўлиб хизмат қилади.

Ривожланаётган маданий-гуманитар ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратишмоқда. Москвада "Лазги" миллий балети премьераси ва Ўзбек киноси кунлари...

Су ЧАН, Хитой Ижтимоий фанлар академиясининг Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё институти етакчи илмий ходими:

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг Россияга расмий таширфи воқеаларга жуда бой кечди. Ўзбекистон раҳбари Қозон ва Москвада қатор тадбирлар ўтказди. Савдо, сармоياج, транспорт ва маданий-гуманитар соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган икки томонлама муҳим ҳужжатлар тўплами имзоланди.

Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги ўзаро савдога сифат ўзгаришлари алоҳида эътиборга лойиқдир. Агар илгори ўзаро товар айирбошлаш тарихида хомашё устунлик қилган бўлса, ҳозирда қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга маҳсулотлар ташкил этди.

Икки давлат ўртасидаги сармоياج соҳада ҳам шундай ижобий ўзгаришлар кузатишмоқда. Кейинги йилларда иқтисодийнинг енгил ва кимё санаяти, автомобильсозлик, соғлиқни сақлаш, фармацевтика каби бошқа тармоқларида ҳам



Андрей ХРИЕНКО, "Вектор" Халқаро стратегик тадқиқотлар институти директори (Россия):

нинг ташкил этилиши Россия жамияти учун Ўзбекистоннинг бой маданияти билан танишиш учун яна бир имкониятдир.

Ўзбекистон ва Россияни кўп йиллик тарихий, маданий ва иқтисодий алоқалар боғлаб туради. Бугунги кунда улар жадал ривожланиб, йилдан-йилга янги қиёфа касб этиб бормоқда. Ўзбекистон — Россия стратегик муносабатлари ва иттифокчилик, шериклик муносабатлари ўзаро манфаатли асосда мустаҳкамланиб, чуқурлашиб боришига шубҳа йўқ.



қўшма лойиҳалар сони сезиларли даражада ошди.

Шавкат Мирзиёевнинг Россияга жорий расмий таширфи якунлари Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти учун жозибадор ҳамкорга айланиб бораётганини яна бир бор намоён этди. Шубҳасиз, бунинг замирида сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар мамлакатни Марказий Осиёда динамиқ, диверсификацияланган иқтисодиётга айлантиришга хизмат қилмоқда.

— Ўзбекистон Президентининг Россияга расмий таширфи, шубҳасиз, муҳим воқеа бўлиб, нафақат Россия — Ўзбекистон икки томонлама муносабатлари, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун стратегик аҳамиятга эга.

Мазкур таширф Ўзбекистон халқаро ва минтақавий кўп тартибдаги энг долзарб муаммоларни ҳал этишда изчил, самарали ва конструктив иштирок этаётганидан далолатдир. Шунингдек, ушбу муаммонинг кенг контекстда замонавий дунёнинг тобора ортиб бораётган қақариқлари ва таҳдидларига ечимлар ҳамда амалий жавобларни ишлаб чиқишда иштирок этди.

Яна бир муҳим жиҳати шундаки, Ўзбекистон амалда Россия билан ҳам, бошқа хорижий ҳамкорлар билан ҳам иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, аниқ савдо-иқтисодий ва сармоياج лойиҳа ҳамда дастурларни самарали амалга оширишнинг юқори суръатларини намоён этишмоқда. Шу боис, таширф кўп тартибдан айнан икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик масалалари, иқтисодий ва гуманитар соҳалардаги амалий ҳамкорлик масалалари ўрин олди.

Айниқса, Ўзбекистон Президентининг расмий таширфи



Холид МАХМУД, "Новичиен Фарма" компанияси асосчиси (Покистон):

давонида Татаристонга таширф буюргани ва Раис Рустам Минниханов билан музокарапар ўтказгани ўзаро иқтисодий алоқалар, жумладан, минтақавий ҳамкорлик орқали амалга оширилаётган аниқ лойиҳалар юксак самара бераётганини тасдиқлайди. Татаристон Республикаси икки томонлама мулоқот доирасидаги саъй-ҳаракатлари кучайтиришга ишора қилмоқда.

Албатта, икки давлат раҳбарларининг музокарапар, шунингдек, Ўзбекистон Президентининг Россия Хукумати Раиси Михаил Мишустин билан учрашуви ҳам икки томонлама муносабатларнинг энг юқори даражасидан далолат беради.

Қолаверса, Президент Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 5 октябрдан 7 октябргача Президент Владимир Путин тақлифига биноан амалга оширган расмий таширфи Россия етакчисининг тутилган кунига тўғри келишининг ўзи ҳам икки давлат раҳбарлари ўртасидаги алоҳида илиқ ва дўстона муносабатдан дарақдир.

Марс САРИЕВ, мустақил эксперт, сиёсатшунос (Қирғизистон):

— Ҳозирги пайтда расмий Тошкент ва Москва ўртасидаги муносабатлар мисли кўрилмаган юксак даражага кўтарилди. Ўзбекистон ҳам Россия каби Марказий Осиё минтақасида барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашдан манфаатдор, шунингдек, томонлар глобал муаммоларни ҳал этиш ва барқарор ривожланиш мақсадларига эришиш бўйича бир-бирининг ташаббусларини фаол қўллаб-қувватлайди.

Уйлашимча, Ўзбекистон мувозанатли халқаро сиёсат юритмоқда. Хабарингиз бор, Ўзбекистон раҳбари яқинда "CS+1" ташаббуси доирасида АКШга амалий таширф билан бўлди ва у ўзининг самарали мазмун-моҳияти билан ажралиб турди. Худди шундай ҳолат ҳозир, Ўзбекистон Президентини Шавкат Мирзиёевнинг Россияда бўлганида ҳам кузатишмоқда. Ишонч билан айтиш мумкинки, Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги сиёсий шериклик изчил ривожланиб бормоқда ва у жуда мустаҳкам. Икки давлат ўртасида тузилган кўплаб шартномалар бунинг яққол далилидир.

Назаримда, ҳар икки давлат ҳам Марказий Осиё минтақасининг стратегик шериклиги ва

канализация тизими барпо этиш бўйича қандай чоралар кўриляпти?

— "Янги Ўзбекистон" массивида бунёд этилаётган кўп қаватли уйларининг канализация ва сув таъминотида муаммо бўлмади, — дейди Бахтиёр Жумаев. — Чунки Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 августдаги "2019–2022 йилларда Сурхондарё вилоятининг Сарийосиё тумани ва Шарғун шаҳрини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, Сарийосиё шаҳарчаси қайта реконструкция қилинмоқда. Шунга асосан, "Ўшаҳар-созликЛИТИ" ДУК мутахассислари томонидан лойиҳа ишлари тўлиқ якунланган, массивда барпо этилаётган барча уй-жойлар ва хизмат кўрсатиш шохобчаларининг ичимлик сув таъминотини яхшилаш ва оқова сувни канализацияга улаш юзасидан кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

— Маҳаллаамиз худудида кўп қаватли уй-жойлар қурилиб, аҳоли сони кўпайиши билан бирга, худудимиз кун сайин чирой очиб, обод бўляпти, — дейди Лутфикор маҳалласи раиси Хайрулла Беков. — Бундан чорак аср илгари сув келса, кўлаб ётадиган бу манзил шунчалик ўзгариб кетди, деб ҳеч ким ўйламаганди. Кўп қаватли уй-жойлар қурилиши, муҳташам иншоотлар барпо этилиши юртимизнинг ҳар жиҳатдан имконияти кўплигидан дарақ беради.

Сурхондарё вилоят қурилиш бошқармасидан берилган маълумотларга суянадиган бўлсак, Термиз туманида ҳам аҳолининг уй-жойга бўлган эътиёжи инобатга олиниб, Янгиобод маҳалласи худудида "Янги Ўзбекистон" массиви қурилиши учун ежратилган. Жорий йилда бу манзилда 1980 та оилага мўлжалланган 18 та 16 қаватли уй-жой барпо қилинган. Сўнгги хабарга кўра, кўп қаватли уйлар қуришда тажрибаси бор, салоҳиятли қурилиш ташкилотлари билан шартномалар тузилиб, лойиҳалаш ишлари бошланган.

Усмонали НОРМАТОВ, журналист



Шавкат Мирзиёевнинг Россияга жорий расмий таширфи якунлари Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти учун жозибадор ҳамкорга айланиб бораётганини яна бир бор намоён этди. Шубҳасиз, бунинг замирида сўнгги йилларда амалга оширилган кенг қўламли ислохотлар мамлакатни Марказий Осиёда динамиқ, диверсификацияланган иқтисодиётга айлантиришга хизмат қилмоқда.



Шарқнинг буюк қомусий олими Абу Райхон Беруний асарлари аллақачон дунё олимлари томонидан бутун инсониятга мансуб бебаҳо илмий мерос, деб эътироф этилган.


Хулқаро ҲАМРОЕВА, Ўзбекистон давлат хореография академияси доценти, филология фанлари доктори



Буюк мутафаккир ва қомусий олимнинг асарлари баён услубининг фавқулодда таъсирчанлиги ва илмий таҳлилларнинг мукамаллиги билан эътиборни тортади.

Жумладан, киндик қони томган мўтабар замин — Хоразм байрамлари, нишонланадиган турли удувлар, расм-русумларнинг келиб чиқиши, уларнинг маърифий-ахлоқий жиҳатлари энг кичик тафсилотларигача олимни қизиқтиради.

“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарининг XI боби “Хоразмликларнинг байрам кунлари” деб номланган. Академик А.Аҳмедовнинг фикрича, “Берунийнинг ушбу асари маълумот ва хабарларга шу қадар бойки, улардан қай бири олдинга қўйиш ёки алоҳида ажратишга қийналасиз.



манбалардан ёки унинг даврида Хоразмда тарқалган оғзаки ривоятлардан олган”.

Қадимшunos сифатида Абу Райхон Берунийнинг мушоҳадалари ва қиёслари аниқ, мулоҳазалари бугунги кунда ҳам турли соҳа тадқиқотчиларига янги гоя бера олади.

Қадимий расмлардан бири “Тандир уйини”да айнан хамирга ёғ суриш, чакчи уриш, уни ертандирда ёпиш, учоққа ўт ёқиш, атрофида ёғли патири ёпиш, болаларга кулча улаштириш чироғли рақс ҳаракатларида ифодаланади.

АБУ РАЙХОН БЕРУНИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 1050 ЙИЛЛИГИГА

Буюк маданий ёдгорлик

“

“Лазги” туркумидаги рақс — ўйинларнинг тарихи, хореографик тавсифи, бир қатор ҳаракатлар тизими, ифода усуллари Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асаридаги қадимий эътиқод маросимлари ҳақидаги маълумотлар асосида тикланди.

арғимчоқ учиб вақтлар ўтиб, миллий рақс ҳаракатлари ва ҳолатларига айланган ҳамда халқимиз бадий тафаккурининг маҳсули сифатида ўз қимматини сақлаб, бизгача етиб келган.

Дунёдаги кўплаб олимлар қатори Германиялик профессор Татьяна Тимм ҳам Хоразм “Лазги” туркумининг тарихи, этнографик хусусиятлари билан қизиқади. Утган йили мазкур рақснинг мамлакат туризми салоҳиятини юксалтиришдаги ўрнини ўрганиш мақсадида Тошкентга келди.

Буюк мутафаккир китобда Шарқ халқларининг энг семимли айёмларидан бири — Наврўз байрами нишонланадиган оғзаки ҳар бир кун ҳақида кенг тўхталади. Наврўзнинг этимологияси, тарихи, у билан боғлиқ удувлар, расм-русумлар, иримлар ҳақида ҳам энг кичик тафсилотларигача мукамал маълумот берилган.

“Наврўз янги йилнинг биринчи кунини бўлиб, унинг форсча номи ҳам шу маънони аниқлади. Наврўз оламнинг бошланиши ва яратилишига далил қилинган”, дей-

чиқишига қараб, шу йилги галланинг тўлиқ ёки пуч бўлиши тахмин қилинар экан”.

Хоразмда энг қадим замонлардан сумалак сайлида “Ашшадарози” ўйини урф бўлган. Бу ўйинда айнан сумалак учун бугдой экишдан бошлаб, Наврўзда етти хил таом таъинланади, унинг қўшниларга тарқатиш удувлари ифода этилади.

Ўзбекистон давлат хореография академияси олимлари тайёрлаган “Муסיқа ва санъат ўқув муассасалари учун “Болалар рақслари” фанидан интерактив ўқув-методик қўлланма-

илк куртаклари билан туташиб кетган бўлиб, унинг шаклланиш босқичлари айнан Абу Райхон Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида номлари тилга олинган маросим ва урф-одатлар билан чамбарчас боғлиқ. Ибтидоий даврда қарсақ, таёқ ва тошларни уриштириш, ҳайвонларга тақлид орқали ҳосил бўлган товушлар вақт ўтиши билан аста-секин шаклланиб, маълум мазмунга эга муסיқий усулларга айланиб борди.

Алломонинг байрамлар ва урф-одатлар ҳақидаги фалсафий таълимоти негизда инсонни етукликка чорловчи, унинг танфакрури ва дунёқарошини бойитувчи омиллар каби кўплаб масалалар урфин олгани эътиборга сазовордир.


“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” инсоният тарихи, урф-одатларига оид дастлабки ёзма манбалардан бири сифатида жаҳоннинг кўплаб олимлари томонидан ўрганилган.

Этнограф олим Комилжон Нуржоновнинг фикрича, “Бугунги кунда Хоразмда нишонланадиган “Қовун сайли”, “Шоли сайли” каби байрамлар, аслида, Беруний бобомизнинг “Ёдгорликлар”ида тилга олинган “Қовоқ байрами”нинг мантиқий давоми.

Демак, инсоният тараққиётининг ҳар бир босқичи ўзига хос маънавий-маърифий оламнинг, маданий аъёнларнинг шаклланиши билан тавсифланади.

Улуғ алломанинг байрамлар, урф-одатлар, аъёнлар, қадриятлар ҳақидаги мулоҳазалари замонавий этнография ва санъатшунослик, маданиятшунослик илмлари учун муҳим аҳамиятга эга.

“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.



саводсиз қолиб, ўз эҳтиёжларида ёдлаш қувватида суянадиган бўлдилар. Шундай бўлгач, келишиб олганларини ёдда сақлаб қолдилар”, дейилади.

XX асргача барча рақслар, уларнинг номлари, ифода услублари, ҳаракатлари ва ҳолатлари ҳам, асосан, ёдда сақлаш, оғиздан-оғизга ўтиш усули орқали сақланиб қолди ҳамда фидойи санъаткорлар туяфйли бугунги авлодларга етиб келди.

Маънавий-маърифий таъсири инсон камолоти ва ижтимоий тараққиёт учун алоҳида аҳамият касб этади.

Янги Ўзбекистонда ҳар бир миллатнинг қадриятларини асраб-авайлашга, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатлики янада мустаккамлашга, авлодлар ўртасида қадимий муштарак аъёнларни ривожлантиришга, жамятини такомиллаштиришга, инсон омилини эъзозлашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Китобда турли халқларнинг ижтимоий муносабатлари, маданий турмуш даражаси, эътиқодлари, уша давр тартиблари, қоидалари ва ахлоқ меъёрлари акс этади.



ди олим. “Жамшид ўзига арава ясаб олгач, ўша кунини унга чиқди. Одамлар бу ажойиб воқеани кўргач, Жамшидга (аравада учинишга) тақлид қилиб, арғимчоқларда учдилар”, дея ўз фикрини давом эттиради.

Олимнинг фикрича, “Ҳамма куриган новдалар кўнгарган ва одамлар “Рўзи нав”, яъни “Янги кун” деганлар. Ҳар ким баракага эришиш учун тос ёки бошқа идишларга арпа эккан. Кейин подшоҳлар саройларининг саҳни атрофида етти тахтага етти хил дон экиш расми бўлиб қолган.

лар яратиш” мавзусидаги амалий лойиҳанинг Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Инновацион ривожланиш агентлиги томонидан молиялаштирилиши ўзбек болалар рақс санъати тарихини тиклаш, унутилаётган фольклор рақсларининг хореографик тавсифининг яратилиши учун катта имконият бўлди.

Дарҳақиқат, ўзбек миллий рақс санъатининг, хусусан, унинг муҳим таркибий қисми бўлган Хоразм мактабининг қадим илдизлари инсониятнинг

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти ДУК
Бош муҳаррир: Салим Дониёров
МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси
Қабулхона: (71) 233-56-33

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун бўнани расмийлаштирган ташилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмаҳона телефони: (71) 233-11-07

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги
томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма Г-1046.
43312 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А2.
Баҳоиси келишилган нарҳда.
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Навбатчи муҳаррир: Рисолат Мадиева
Мусаҳҳиж: Рашид Хўҷамов
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими: 100029, Тошкент шаҳри, 32-й, Матбуотчилар кўчаси, ҳақиқий,
ЎзА яқуни — 23:38

GAZETA DADA GI MATERIA LLAR NI LOTIN IZU VIGA
ASOSLANGAN UZBEK ALIFBOSIDA UQISH UCHUN
MAZKUR QR-KODNI SKANER QILING.

